

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МАХСУДОВ ОЯТИЛЛО МУХИБИЛЛАЕВИЧ**

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ РИВОЖЛАНИШИ  
ХАВФИ ВА КЛИНИК КЕЧИШНИ БАШОРАТ ҚИЛИШНИНГ  
КЛИНИК-ЛАБОРАТОР МАРКЕРЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар  
14.00.25 – Клиник лаборатор ва функционал диагностика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Махсудов Оятилло Муhibиллаевич**

Сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиши хавфи

ва клиник кечишини башорат қилишнинг

клиник-лаборатор маркерлари..... 3

**Махсудов Оятилло Муhibиллаевич**

Клинико-лабораторные маркеры прогнозирования

риска развития и клинического течения хронической

сердечной недостаточности..... 27

**Makhsudov Oyatillo Mukhibillayevich**

Clinical and laboratory markers for predicting

the risk of development and clinical course of

chronic heart failure..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 56

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МАХСУДОВ ОЯТИЛЛО МУХИБИЛЛАЕВИЧ**

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ РИВОЖЛАНИШИ  
ХАВФИ ВА КЛИНИК КЕЧИШНИ БАШОРАТ ҚИЛИШНИНГ  
КЛИНИК-ЛАБОРАТОР МАРКЕРЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар  
14.00.25 – Клиник лаборатор ва функционал диагностика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3.PhD/Tib4866 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Мусашайхов Умиджон Хусанович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Арипов Орифжон Абдумаликович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Усманова Дурдона Джурабаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Ибрагимов Азиз Юлдашевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Абу Али ибн Сино номидаги**  
**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашининг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru).)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.Н. Арипов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Сўнги йилларда бутун дунёда юрак ишемик касалликлари (ЮИК) кўпайиши натижасида уларда сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) каби оғир асоратларнинг ривожланиши амалий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. СЮЕ юрак-қонтомир тизимининг кўп тарқалган, зўрайиб боровчи ва нохуш оқибатли асоратлардан ҳисобланади. Унинг ижтимоий аҳамияти беморларда ногиронлик ва ўлим даражасининг юқорилиги ҳаёт сифатининг ёмонлашуви ҳамда меҳнатга лаёқатлилиқнинг чекланиши билан тавсифланади. Кўп марказли тадқиқотлар натижаларига кўра, СЮЕ билан касаллаган шахисларда тўсатдан юз берувчи ўлим хавфи, у мавжуд бўлмаган беморларга нисбатан 5 баробар юқори эканлиги аниқланган. Ушбу оғир асорат жаҳондаги умумий ўлим ҳолатларининг 16% ни ташкил этади ва ҳар йили тахминан 17.9 миллион киши айнан шу гуруҳга кирувчи ҳасталиклар оқибатида ҳаётдан кўз юммоқда. Шу муносабат билан ЮИК мавжуд бўлган беморларда унинг ривожланиш хавфини эрта аниқлаш, самарали даволаш усулларини такомиллаштириш ва профилактика чораларини амалга ошириш замонавий тиббиёт олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ЮИК билан оғриган беморларда СЮЕ ривожланишининг патогенетик асосларини ўрганиш ҳамда генетик омилларнинг тутган ўрнини баҳолаш ҳисобига, уларни даволаш ва профилактика чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилагн илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумотларига кўра «Дунё аҳолисининг 2-4% СЮЕ билан ҳасталанган бўлиб, ушбу ташхис аниқлангандан сўнги 5 йил ичида юзага келадиган ўлим ҳолати аёлларда 45%, эркакларда эса 60% ни ташкил қилади, яқин 20 йил ичида унинг аҳоли орасида тарқалганлиги 25%га ошиш эҳтимоли мавжуд...»<sup>1</sup>. Сўнги ўн йилликда ўтказилган тадқиқотлар натижалари СЮЕ ривожланиши ва авж олишида генетик омилларнинг ҳиссаси катта эканлигидан далолат беради. ЮИК билан оғриган беморларда молекуляр-генетик тадқиқотлар орқали СЮЕ ривожланиш хавфининг патогенезини тушуниш ушбу жараённинг стратификацияси ҳақидаги тасаввурларимизни ўзгартириши ва касалликни даволаш ва олдини олишга янги терапевтик ёндашувларни излашга ёрдам бериши мумкин. Бу борада, юқори технологик усулларни қўллаш ва ушбу тоифадаги беморларда янги молекуляр-генетик маркерларни ўрганиш СЮЕ клиник кечишини ташхислаш ва башоратлашни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли ўртасида ноинфекцион касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини олдини олиш ҳамда беморлар усун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш бўйича кенг қўламлик чора-

---

<sup>1</sup> Марсеев В.Ю., Фомин И.В., Агеев Ф. Т. и др. Клинические рекомендации ОССН – РКО –РНМОТ. Сердечная недостаточность: хроническая и острая декомпенсированная. Диагностика, профилактика и лечение //Кардиология. – 2018. - Т. 58 (6S). - С.8 – 158.

тадбирлар амалга-оширилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган еттига устувор йўналиш бўйича тараққиёт стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича вазифалар киритилган<sup>2</sup>. Шу муносабат билан, юрак-қон томир касалликлари бўйича тиббий ёрдамни янги босқичга кўтариш, даволаш усулларини оптималлаштириш ва беморларнинг хаёт сифатини яхшилаш учун юқори технологик текширувларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу чоралар юрак-қон томир касалликларидан келиб чиқувчи ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтиришдаги асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жахонда юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишининг патогенетик механизмларини текширишга бағишланган бир қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда (Bragazzi N.L., 2021). Сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларни даволаш самарадорлигини ошириш, шифохонада ётиш муддатини қисқартириш, уларнинг хаёт сифатини яхшилаш, ногиронлик ва ўлим даражасини камайтириш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда (Резник Е.В., 2020). Тиббиётда эришилган натижаларга қарамай, юрак ишемик касаллигига чалинган беморларда сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишини эрта аниқлашнинг молекуляр-генетик асослари хали ҳам тўлиқ ишлаб чиқилмаган (Kucher A.N., 2023). Шу сабабли, уни ривожланиш хавфи ва клиник кечишини эрта башоратлашда муҳим омил бўлган молекуляр-генетик маркерларни баҳолаш, даволаш ва профилактика чораларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида сурункали юрак етишмовчилигининг асосий патогенетик механизмларини, клиник хусусиятларини, даволаш ва профилактикасини аниқлашга қаратилган илмий изланишлар натижасида бир қатор муҳим натижаларга эришилган. Жумладан, Gorący I. ва бошқалар (2022) ўз илмий

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

изланишларида Полшаллик беморларда ренин-ангиотензин тизимининг генетик вариантлари ва юрак етишмовчилиги хавфини ўрганган. Buddeke J. ва бошқалар (2020) юрак етишмовчилиги туфайли шифохонага ётқизилган беморлар ўртасида ўлим ҳолатини ва уларнинг патогенезини ўрганишган. Шунингдек, Povysil G. ва бошқалар (2021) юрак етишмовчилигига чалинган беморларда кам учрайдиган генетик ўзгаришларнинг клиник аҳамиятини баҳолаган. Teramoto K. ва бошқалар (2022) олиб борган тадқиқотда чап қоринчанинг отиб бериш фракцияси сақланган сурункали юрак етишмовчилигининг эпидемиологияси ва клиник хусусиятлари қамраб олинган.

Ўзбекистонда сурункали юрак етишмовчилиги билан боғлиқ муаммоларга оид бир қатор илмий ишлар олиб борилган. Жумладан, сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда чап қоринчанинг диастолик функцияси баҳоланган (Закирова Г.А., 2018). Сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишида ренин – ангиотензин – альдостерон тизими генлар полиморфизмининг аҳамияти баҳоланган (Гадаев А.Г., 2019). Курбонов А.К. (2019) сурункали юрак етишмовчилигини ташхислаш, унинг оқибатларини аниқлаш ва даволаш самарадорлигини баҳолашда биологик маркерларнинг аҳамиятига оид тадқиқотлар олиб борган. Кодирова Ш.С. (2020) томонидан сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларнинг клиник-психологик ҳолатини таҳлил қилишга қаратилган тадқиқот ўтказилган. Гадаева Н.А. (2021) сурункали юрак етишмовчилиги негизда Covid-19 ўтказган беморлар буйраклар ичи гемодинамикасига оид тадқиқотлар олиб борган. Тўрақулов Р.И. (2021) сурункали юрак етишмовчилиги турли этиологияли камқонлик билан кечганда даволаш алгоритмига оид изланишлар олиб борган. Мухамедова М.Г. (2021) эса юрак-қон томир тизимидаги ўзгаришларни ва сурункали юрак етишмовчилигининг кўринишларини ўрганган. Нарзуллоева Д.С. (2022) ишемик этиологияга эга сурункали юрак етишмовчилигида сакубитрил/валсартан дори воситасининг миокард ҳажмининг гипернациясини яхшилашга таъсирини аниқлаган. Шамсутдинова Г. Б. (2023) турли хил таркибий қисмларга эга дори воситаларининг эндотелий дисфункцияси ва сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларнинг функционал захирасига таъсирини ўрганган. Шу билан бирга мамлакатимизда сурункали юрак етишмовчилигининг ривожланишида плазма гомоцистеини даражаси ҳамда MTHFR, VEGF ва Trp53 генетик маркерларининг ўзгаришларига оид илмий асосланган изланишларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишини башоратлаш учун молекуляр-генетик омиллар асосида янги тамойилларни ишлаб чиқиш ҳамда СЮЕ хавфини эрта аниқлашда молекуляр-генетик текшириш усулларини такомиллаштириш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим вазифа ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-

тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000273 сонли «Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида сурункали ноинфекцион касалликларни эрта ташҳислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг илғор инновацион технологияларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида амалга оширилган (2020 – 2024 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** сурункали юрак етишмовчилиги патогенезида молекуляр-генетик маркерлар ва қон зардобидаги гомоцистеин миқдорининг аҳамиятини баҳолаш ҳамда касалликнинг ривожланиш хавфи ва клиник кечишини эрта башорат қилиш алгоритмини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

гипергомоцистеинемиянинг сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиш хавфи ва клиник кечиши билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишида TP53 апоптик ДНКга боғлиқ оқсил гени полиморфизмининг прогностик аҳамиятини баҳолаш;

сурункали юрак етишмовчилиги патогенезида фолат алмашинуви детерминант генларининг Glu429Ala полиморф варианты аҳамиятини ўрганиш;

сурункали юрак етишмовчилигини ривожланиш хавфи, клиник кечиши ва оғирлик даражасини таснифлашда VEGF ўсиш омиллари полиморф локусининг ролини баҳолаш;

сурункали юрак етишмовчилигини ривожланиш хавфи ва клиник кечишини башорат қилиш мезонларини такомиллаштириш ҳамда алгоритм ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 208 нафар шахс тадқиқотга жалб этилди. Буларни 103 нафари асосий гуруҳни ташкил этган СЮЕ ФС, III- IV ли беморлар ва 105 нафар шартли-соғлом шахслардан иборат таққослаш гуруҳи ташкил этди.

**Тадқиқот предмети** сифатида умумий клиник тадқиқотлар шунингдек, молекуляр-генетик тадқиқотлар учун периферик қон зардоби олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда, сурункали юрак етишмовчилигини диагностика стандартлари, клиник-лаборатор, инструментал, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда гипергомоцистеинемия сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиш хавфини ошириши ҳамда чап қоринчанинг отиш фракциясини сезиларли даражада камайтириши аниқланган;

юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда MTHFR (Glu429Ala) полиморф локусининг нохуш Ala/Ala гомозигот генотиби аниқланганда сурункали юрак етишмовчилиги ва унинг оғир клиник шакли ривожланиш хавфини ортиши исботланган;

VEGFA гени C-634G полиморфизмининг салбий C/C генотиби сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда чап қоринча отиш фракцияси пасайиш хавфини ишончли даражада 5.3 марта ошириши аниқланган;

TP53 генидаги Pro47Ser ва Pro72Arg полиморфизмлари сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиш хавфи ва унинг оғирлик даражасини баҳолашда мустақил прогностик маркер сифатида хизмат қилиши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиши ва клиник кечишида MTHFR (Glu429Ala) генетик маркерининг ноқулай Ala/Ala генотипларини ҳамда плазма гомоцистеини миқдорини аниқлашнинг прогностик самарадорлиги асосланган;

VEGFA гени C-634G полиморфизмининг салбий C/C генотипи аниқланиши сурункали юрак етишмовчилиги ва унинг оғир клиник шакли ривожланиши хавфини башоратлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган;

сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиш хавфи ва клиник кечишини хусусиятларини аниқлаш учун ушбу беморларда TP53 гени Pro47Ser ва Pro72Arg полиморф локусларини таҳлил қилиш зарурати аниқланган;

молекуляр-генетик тадқиқот натижаларига кўра, сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларни олиб бориш учун такомиллаштирилган алгоритм ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган замонавий назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, клиник материаллар ва кузатувлар сонининг етарлиги, тадқиқотда фойдаланилган замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, молекуляр-генетик ва статистик усуллар қўлланилгани, ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, молекуляр-генетик тадқиқот натижалари сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиш хавфини аниқлаш ва касаллик ривожланишининг олдиндан башоратлаш ва унинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда қондаги гомоцистеин миқдори ва MTHFR (Glu429Ala), VEGFA (C-634G), TP53 гени Pro47Ser ва Pro72Arg полиморфизмларини аниқлашни сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиши ва клиник кечишини башоратловчи маркер сифатида қабул қилиш ҳамда ишлаб чиқилган махсус мезонлар ёрдамида даволаш ва профилактик чора-тадбирларини такомиллаштириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурункали юрак етишмовчилигини ривожланиш хавфи ва клиник кечишини башорат қилишнинг клиник-лаборатор маркерларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда гипергомоцистеинемия сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиш хавфини ошириши ҳамда чап қоринчанинг отиш фракциясини сезиларли даражада камайтириши аниқланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январда би-7у-сон билан тасдиқланган "Сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиш хавфини эрта башоратлашнинг молекуляр-генетик жихатлари" номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти кўп тармоқли шифохонаси бўйича 2025-йил 29-январдаги 26-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали бўйича 2025-йил 3-мартдаги 29-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 18 апрелдаги 15/02-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: плазма гомоцистеини миқдорини сурункали юрак етишмовчилигини ривожланиш хавфини ҳамда оғирлик даражасини аниқлаш маркери сифатида қўллаш ушбу тоифадаги беморларда эрта босқичларда профилактика ва даво чораларини бошлаш ва мақсадга мувофиқ бўлмаган, кўп харажатли клиник-лаборатор текшириш усулларини тайинлашни қисқартириш орқали беморлар учун молиявий харажатларни сезиларли даражада камайтириш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: эрта босқичларда плазма гомоцистеини даражасини ўрганиш сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишини эрта аниқлаш учун қўшимча лаборатор-инструментал текширувлар талаб қилинмайди, қўшимча текширувлар учун вақт ва моддий харажатларни камайтириш ва ўз вақтида профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ногиронликни камайтириш ҳамда беморларни маблағларини тежаш имконини беради. Хулоса: юрак ишемик касаллиги бор беморларда қондаги гомоцистеин миқдорини баҳолаш сурункали юрак етишмовчилигининг оғирлиги бўйича ишончли маркер сифатида кўриб чиқиш имконини беради, шу билан сурункали юрак етишмовчилигини ривожланиш хавфини ва клиник кечишини башоратлашда салмоқли хисса қўшади.

*иккинчи илмий янгилик:* юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда MTHFR (Glu429Ala) полиморф локусининг нохуш Ala/Ala гомозигот генотиби аниқланганда сурункали юрак етишмовчилиги ва унинг оғир клиник шакли ривожланиш хавфини ортиши исботланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январда би-7у-сон билан тасдиқланган "Сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиш хавфини эрта башоратлашнинг молекуляр-генетик жихатлари" номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти кўп тармоқли шифохонаси бўйича 2025-йил 29-январдаги 26-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали бўйича 2025-йил 3-мартдаги 29-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 18 апрелдаги 15/02-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: юрак ишемик

касаллиги мавжуд беморларда MTHFR (Glu429Ala) полиморф локусини текшириш сурункали юрак етишмовчилигини ривожланиш хавфи ва унинг клиник кечишини эрта башоратлаш ва беморларнинг хаёт сифати ёмонлашиши ҳамда ўлим кўрсаткичини камайтиришга имкон берган. Иқтисодий самарадорлиги: сурункали юрак етишмовчилигини ривожланиш хавфи ва унинг клиник кечишини эрта башорат қилиш орқали унга ўз вақтида даволаш ва профилактик чора-тадбирларини кўриш касалликдан кейинги узок муддатли ногиронлик ҳолларини камайтиради, беморларнинг хаёт сифати яхшиланади ва меҳнат қобилиятининг сақланиб қолишига олиб келади, бу эса беморларга ва давлатга ижтимоий-иқтисодий юкламани камайтиради. Хулоса: MTHFR Glu429Ala полиморфизмини текширишни амалиётга татбиқ этиш натижасида сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишини олдини олишни ўз вақтида профилактика тадбирларини режалаштирилиши ва амалга оширилиши орқали сарфланадиган харажатларни 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 87500 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 110000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*учинчи илмий янгилик:* VEGFA гени C-634G полиморфизмининг салбий C/C генотиби сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда чап қоринча отиш фракцияси пасайиш хавфини ишончли даражада 5.3 марта ошириши аниқланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январда би-7у-сон билан тасдиқланган "Сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиш хавфини эрта башоратлашнинг молекуляр-генетик жихатлари" номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти кўп тармоқли шифохонаси бўйича 2025-йил 29-январдаги 26-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали бўйича 2025-йил 3-мартдаги 29-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 18 апрелдаги 15/02-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: VEGFA гени C-634G полиморфизмини ўрганиш юрак ишемик касаллиги бор беморларда сурункали юрак етишмовчилиги каби оғир асоратларнинг камайиши ҳисобига беморлар турмуш тарзининг яхшиланиши ва умр кўриш давомийлигини узайишига олиб келиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: сурункали юрак етишмовчилигини ривожланиш хавфи бўлган беморларда хасталикни молекуляр-генетик жихатларини ўрганиш натижалари ушбу турдаги беморларга ўз вақтида бирламчи профилактика тадбирларини режалаштирилиши ва амалга оширилиши орқали сарфланадиган харажатларни 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1112000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 982000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради. Хулоса: ушбу беморларда касалликни асоратларини ривожланишини эрта башорат қилиш ногиронлик ва ўлим даражасини сезиларли камайтирган, бу эса даволаш билан боғлиқ харажатларни сезиларли даражада қисқартириш орқали беморларга ва давлатга ижтимоий-иқтисодий юкламани камайтириш имконини берган;

*тўртинчи илмий янгилик:* TP53 генидаги Pro47Ser ва Pro72Arg полиморфизмлари сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиш хавфи ва унинг оғирлик даражасини баҳолашда мустақил прогностик маркер сифатида хизмат қилиши асосланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январда би-7у-сон билан тасдиқланган "Сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиш хавфини эрта башоратлашнинг молекуляр-генетик жихатлари" номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти кўп тармоқли шифохонаси бўйича 2025-йил 29-январдаги 26-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали бўйича 2025-йил 3-мартдаги 29-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 18 апрелдаги 15/02-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлик: TP53 гени Pro47Ser ва Pro72Arg полиморф локусларини амалиётга жорий этиш сурункали юрак етишмовчилиги каби асоратлар ривожланишининг хавфини камайтиришга, тиббий ёрдам сифатини оширишга ва унинг профилактикасида ижобий самарадорликка эришиш имконини берган. Иқтисодий самарадорлик: Молекуляр-генетик тадқиқотлардан фойдаланиш сурункали юрак етишмовчилигининг ривожланиш хавфини ва клиник кечишини эрта башорат қилишга, шунингдек, ушбу касалликнинг диагностикаси, мониторинги ва даволашга сарфланадиган харажатларни сезиларли даражада камайтириш имконини берган. Хулоса: молекуляр-генетик текширувлар орқали беморларда сурункали юрак етишмовчилигини ривожланиш хавфини камайтириш натижасида 1 нафар бемордан бюджет маблағларини 1250000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 955000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган бўлиб, унинг объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари

ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асослаб берилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги баён қилинган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилигини диагностика қилишнинг долзарб йўналишлари ва даволашнинг янги имкониятлари**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг батафсил шарҳлари келтирилган. ЮИК мавжуд беморларда СЮЕ ривожланиши патогенези таҳлил қилинган, ушбу хасталик ривожланишининг клиник-лаборатор ва молекуляр-генетик механизмлари тўғрисида замонавий қарашлар баён қилинган ҳамда ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган ёки тушунтиришни талаб қиладиган жиҳатлари кўрсатиб берилган.


Диссертациянинг «**Клиник материаллар ва тадқиқот усулларига умумий тавсиф**» деб номланган иккинчи бобида ушбу тадқиқотда фойдаланилган тадқиқот материаллари ва усулларининг тавсифи келтирилган. Тадқиқотга клиник ва инструментал маълумотлар асосида тасдиқланган 103 нафар СЮЕ ташхиси қўйилган беморлар (ўртача ёши  $63.6 \pm 0.9$  ёшни ташкил этди) ва 105 нафар шартли-соғлом кўнгилли шахслар (ўртача ёши  $61.2 \pm 1.4$  ёшни ташкил этди) жалб қилинди.

Назорат намунаси учун материал сифатида мустақил равишда ажратилган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган Гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг ДНК банкида сақланадиган геномик ДНК препаратлари ишлатилган.

Молекуляр-генетик тадқиқотлар жараёнида ДНКни ажратиш олиш учун биологик материалдан намуна олиш белгиланган тартибда инсон ҳуқуқларига амал қилиш орқали, тиббий кўрикдан ўтказиладиган барча беморлар хабардор этилган ҳамда ихтиёрий розилиги олинганидан сўнг амалга оширилган.

СЮЕ ташхиси беморларнинг шикояти, анамнези, объектив кўрик ва лаборатор - асбобий текширишлар натижаларига кўра Европа кардиологлар жамияти томонидан 2016 йилда қабул қилинган “Ўткир ва сурункали юрак етишмовчилигини ташхислаш ва даволаш бўйича тавсиялар” асосида қўйилди. Унинг функционал синфлари (ФС) Нью-Йорк кардиологлар ассоциацияси (New-York Heart Association, 1964) таснифи ҳамда 6 дақиқалик юриш синамаси натижаси асосида аниқланди.

Тадқиқотга жалб этилган 103 нафар асосий гуруҳни ташкил этган беморлар клиник - гемодинамик ҳолати, ЭхоКГ кўрсаткичларига кўра ва олти дақиқалик юриш синамаси (ОЮС) ҳамда кардиологларнинг Нью-Йорк Ассоциацияси таснифига асосан СЮЕ ФС бўйича гуруҳларга ажратилди: шунга кўра, II ФС гуруҳига 33 нафар бемор кириб, уларнинг ўртача ёши  $60.2 \pm 1.8$  ни ташкил этди. III ФС гуруҳини ўртача ёши  $64.3 \pm 1.4$  бўлган 37 бемор ва IV ФС ни ўртача ёши  $66.1 \pm 1.6$  бўлган 33 нафар беморлар ташкил этди (1-расм).



**1-расм. Сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд бўлган асосий гуруҳ беморларининг ёш хусусиятлари**

Текширув натижалари бўйича беморларнинг жинси бўйича тақсимооти хақидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган. Асосий гуруҳдаги 103 нафар беморларнинг 42.7% ни эркеклар, 57.3% ни эса аёллар ташкил этди. Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижасида СЮЕ ФС IV даражаси билан оғриган беморлар орасида эркек жинсли беморлар сони СЮЕ ФС II (30.3%) ва СЮЕ ФС III (35.1%) даражаларидаги кичик гуруҳларга нисбатан юқори эканлиги қайд этилди. Мазкур гуруҳда эркеклар 63.6% ни ташкил қилган бўлса, аёллар улуши 36.4% га тенг бўлди (1- жадвал).

Аксинча, СЮЕ ФС II ва СЮЕ ФС III даражаларидаги кичик гуруҳларда беморларнинг асосий қисмини аёллар ташкил этгани кузатилди. Хусусан, СЮЕ ФС II гуруҳида аёллар улуши 69.7% ни (эркеклар 30.3%), СЮЕ ФС III гуруҳида эса 64.9% ни (эркеклар 35.1%) ташкил этган (1- жадвал).

**1-жадвал**

**Беморларни жинсига кўра тақсимланиши**

Жинс	Беморлар гуруҳи			
	ФС II n=33	ФС III n=37	ФС IV n=33	Умумий беморлар сони (n=103)
Эркек	30.3% (33/10 та)	35.1% (37/13 та)	63.6% (33/21 та)	42.7% (103/44 та)
Аёл	69.7% (33/23 та)	64.9% (37/24 та)	36.4% (33/12 та)	57.3% (103/59 та)

Тадқиқот натижаларига кўра, сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) билан энг кўп касалланувчи гуруҳлар 45–59 ёш ва 60–74 ёшдаги беморлардир (26.2 ва 59.2%). Шу билан бирга, 18–44 ёшлилар гуруҳида СЮЕ ҳолатлари анча кам бўлиб, атиги 3.9% ни ташкил этган.

75 ёшдан катта бўлган қариялар орасида СЮЕ ҳолатлари тадқиқот иштирокчиларининг 10.7% ида қайд этилган. Қизиғи шундаки, узоқ умр кўрувчилар (90 ёш ва ундан катта) орасида асосий гуруҳда СЮЕ ҳолатлари аниқланмаган.

Кўйилган мақсад ва вазифаларга мос равишда тадқиқот дастури ишлаб чиқилди ва ишимиз давомида СЮЕ хасталигининг диагностика стандартлари,

инструментал, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотимизнинг биринчи босқичда барча беморлар ЭКГ, ЭхоКГ, олти дақиқалик юриш синамаси (ОДЮС), АҚБ ва пульсни ўлчаш каби клиник ва инструментал текширувлардан ўтдилар.

Ишнинг иккинчи босқичида барча ЮИК мавжуд беморларда СЮЕ ривожланишининг хавф омилларини ўрганиш учун лаборатор диагностика усуллари ўтказилди, шу жумладан липид спектрини, қонда глюкоза даражасини, коагулограмма шунингдек плазма гомоцистеини микдорини аниқлашдан иборат эди.

Ушбу ишнинг учинчи босқичида СЮЕ ривожланиши билан боғлиқ муҳим генетик ДНК полиморфизмларининг, апоптик ДНК га боғлиқ оқсил TP53 генининг полиморфизми, ўсиш омили VEGF полиморф маркери ва фолат цикли MTHFR (Glu429Ala) генининг аллеллари ва генотипларининг тарқалиш частоталари ўрганилди. ЮИК мавжуд беморларда СЮЕ хасталигининг ривожланишида ушбу полиморф маркерларнинг роли ва аҳамияти баҳоланди.

Тадқиқ қилинаётган генларнинг мутациялари ва полиморфизмларининг учраш таксимоти таҳлили «case-control» (ҳолат-назорат, икки намунани таққослаш) шакли туридаги моделдан фойдаланиш орқали амалга оширилди. ПЗР (полимераз занжирли реакция) таҳлиллари Applied Biosystems 2720 (АҚШ) и CG1-96 («Corbett Research» QUAGEN Германия) ва Rotor Gene Q (QUAGEN Германия) термоциклерлари ёрдамида амплификация дастурларига мувофиқ амалга оширилди. Беморлардан қон олишда ЭДТА си бор Vacutainer Becton Dickinson International (АҚШ) стандарт вакуум-пробиркаларидан фойдаланилди.

Тадқиқот давомида олинган натижаларга статистик ишлов бериш персонал компьютернинг Microsoft Office Excel ҳамда «Stat Soft Statistica 10.0» дастурли пакетларини қўллаган ҳолда ўтказилди. Ўрганилаётган кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончилиги (t) Стьюдент мезони ёрдамида баҳоланди. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар  $P < 0.05$  ишончилик даражаси билан белгиланди. Генетик маълумотларни таҳлили «GenePop» (Genetics of Population) учун Харди-Вайнбер каноник тарқалишидан ўрганилаётган ДНК полиморфизмлари генотипларини оғишини баҳолаш компьютер дастурлари ёрдамида амалга оширилди (<http://wbimed.curtin.edu.au/genepop>).

Диссертациянинг **«Сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларнинг клиник-биокимёвий хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида шифохонага ётқизилган беморларда асосий клиник-лаборатор кўрсаткичларини ўрганиш натижаларига баҳо берилган.

Текширилган СЮЕ II ФСли беморларда жисмоний зўриқишларга чидамлилиқ олти дақиқалик юриш синамаси (ОЮС) натижаларига кўра  $372.70 \pm 5.48$  метрни ташкил қилди. СЮЕ III ва IV ФС ли беморларда жисмоний зўриқишларга чидамлилиқ СЮЕ II ФСли беморлар ОЮС натижаларидан сезиларлиқ пасайганлигини кўрсатди ва мос равишда  $202.43 \pm 7.43$  ва  $91.03 \pm 6.87$  метрларни ташкил этди ( $p < 0.001$ ). Шу билан бирга, жисмоний

зўриқишларга чидамлик СЮЕ III ФСли беморларга қараганда СЮЕ IV ФСли беморларда ишончли равишда пасайган ( $p < 0.001$ ).

ЭхоКГ кўрсаткичларини таҳлиliga кўра, СЮЕ билан хасталанган 103 нафар беморларда чап қоринчанинг отиш фракциясининг (ОФ) ўртача қийматлари куйдагича бўлди: СЮЕ II ФСли беморларда-  $57.4 \pm 1.6\%$ , СЮЕ III ФСли беморларда-  $51.6 \pm 2.0\%$  ва СЮЕ IV ФСли беморларда-  $45.8 \pm 2.3\%$  ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар, СЮЕ функционал синифи юқорилаган сари беморларда юракнинг чап қоринчасини отиш фракцияси ўртача қийматлари сезиларли равишда пастлаб борганини кўрсатади ( $p < 0.05$ ).

СЮЕ билан касалланган беморларда ЭхоКГ кўрсаткичларини таҳлиliga кўра, чап қоринчанинг (ЧҚ) систолик дисфункцияси (ОФ  $< 40\%$ ) 20 нафар ( $19.4\%$ ; ОФ ўртача  $31.8 \pm 1.3\%$ ) беморларда аниқланди. Шу билан бирга, 103 нафардан иборат асосий гурухнинг яна 23 та ( $22.3\%$ ; ОФ ўртача  $46.2 \pm 0.5\%$ ) беморида ЧҚ нинг қисқариш фаолиятининг ўртача пасайиши ( $40-49\%$ ) кузатилди. Қолган 60 нафар ( $58.3\%$ ; ОФ ўртача  $60.3 \pm 0.8\%$ ) беморда ЧҚ ОФ  $50\%$  дан юқори эканлиги қайд этилди.

Кичик гурухлар кесимида УХ нинг ўртача кўрсаткичи СЮЕ IV ФСли беморларда энг юқори қийматларга эга бўлди ва мос равишда  $5.8 \pm 0.2$  ммоль/л ни ташкил этди ва СЮЕ II ФСли беморлар гурухига нисбатан сезиларли равишда юқори бўлди ( $p < 0.05$ ). Аксинча, СЮЕ II ФСли беморлар гурухида ушбу кўрсаткич кичик гурухлар орасида энг паст натижаларни кўрсатди ва  $5.1 \pm 0.2$  ммоль/л ни ташкил этди. Липид спекторининг ушбу параметрининг ўртача кўрсаткичи СЮЕ III ФСли беморлар орасида  $5.3 \pm 0.2$  ммоль/л даражада аниқланди.

Текширилаётган асосий гурух беморларининг 2 ва 3 кичик гурухлари орасида триглицеридлар миқдорининг ўрта қийматлари  $1.6 \pm 0.1$  ммоль/л ва  $1.9 \pm 0.1$  ммоль/л ҳолатда эканлиги аниқланди ҳамда СЮЕ II ФСли беморлар гурухига ( $1.3 \pm 0.1$  ммоль/л) нисбатан сезиларли даражада юқори кўрсаткичларни қайд этди ( $p < 0.05$ ).

Текширувлар шуни кўрсатдики, 1-гурух беморларда юқори зичликдаги липопротеидлар (ЮЗЛП) ва паст зичликдаги липопротеидлар (ПЗЛП) миқдори  $1.4 \pm 0.1$  ва  $3.8 \pm 0.2$  ммоль/л ни, 2-гурух беморларида эса  $1.1 \pm 0.1$  ва  $3.9 \pm 0.1$  ммоль/л ни, 3-кичик беморлар гурухида  $0.9 \pm 0.1$  ва  $4.7 \pm 0.1$  ммоль/л ни ташкил этди. Паст зичликдаги липопротеидлар миқдоридаги фарқлар СЮЕ II ва III ФСли гурух беморлари орасида ахамиятсиз бўлса, ушбу гурух беморларига нисбатан СЮЕ IV ФСли беморларда ПЗЛП сезиларли равишда юқори қийматларни ташкил этди ( $p < 0.05$ ). ЮЗЛП лар эса 2-3 кичик гурухларда СЮЕ II ФСли беморларга нисбатан ахамиятли даражада паст бўлди ( $p < 0.05$ ).

Тадқиқотимизнинг кегинги босқичида барча беморлар ва шарли-соғлом иснонларда қондаги гомоцистеин миқдори ва гипергомоцистеинемиянинг учираш сони ўрганилди.

Текширувлар натижасини шуни кўрсатдики, 103 нафар СЮЕ мавжуд беморлардан иборат асосий-гурухда влазма гомоцистеинининг миқдори  $20.4 \pm 0.5$  ммоль/л ни ташкил этиб назорат гурухига нисбатан сезиларли

равишда юқори кўрсаткичга эга бўлди, респондентлар гуруҳида эса ушбу кўрсаткич мос равишда  $9.3 \pm 0.6$  ммоль/л ни ташкил этди ( $p < 0.001$ ) (2-жадвал).

Гомоцистеин миқдори СЮЕ мавжуд беморларнинг учала кичик гуруҳида ҳам шартли-соғлом инсонлар гуруҳига қараганда ишонарли юқори кўрсаткичлага эга бўлиб 1-гуруҳда  $18.0 \pm 0.8$  ммоль/л ни, 2-гуруҳда  $20.5 \pm 0.7$  ммоль/л ва 3-кичик гуруҳда  $22.8 \pm 0.7$  ммоль/л ни ташкил этди ( $p < 0.001$ ) (2-жадвал).

Кичик гуруҳлар орасида СЮЕ ФС ортиб бориши билан қондаги гомоцистеин миқдори ахамиятли даражада юқорилаб бориши аниқланди.

**2-жадвал**

**Асосий тадқиқот гуруҳи беморлари ва назорат гуруҳида гомоцистеиннинг ўртача даражаси**

Беморлар	Умумий беморлар n=103	1 – гуруҳ СЮЕ ФС II n=33	2-Гуруҳ СЮЕ ФС III n=37	3-Гуруҳ СЮЕ ФС IV n=33	Назорат гуруҳи n=43
<b>Гомоцистеин</b>	$20.4 \pm 0.5^*$	$18.0 \pm 0.8^*$	$20.5 \pm 0.7^{**}$	$22.8 \pm 0.7^{***}$	$9.3 \pm 0.6$

**Изоҳ:** \* – Беморлар гуруҳи ҳамда назорат гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги  $p < 0.001$ . \*\*-1 гуруҳ ҳамда 2 гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги  $p < 0.001$ . \*\*\*- 1 ва 2- гуруҳ ҳамда 3-гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги  $p < 0.001$ .

Текширилаётган беморлар ўртасида гипергомоцистеинемиянинг учираш сонининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, СЮЕ ФС II мавжуд беморлар гуруҳида 60.6% ҳолатларда гомоцистеин миқдорининг ортиши кузатилган ва  $21.4 \pm 0.5$  ммоль/л ни ташкил этган бўлса, СЮЕ ФС III ли беморлар орасида 78.4% ҳолатларда ушбу кўрсаткич нормадан юқорилиги қайд этилди ва унинг ўртача қийматлари  $22.4 \pm 0.5$  ммоль/л га тенг бўлди ( $p > 0.05$ ). СЮЕ ФС II ва III гуруҳлар ўртасида гипергомоцистеинемиянинг учираш сони ва ўртача қийматлари орасида ахамиятли фарқлар кузатилмаган бўлсада, гипергомоцистеинемиянинг учираш сони ортиб бориши билан СЮЕ ФС юқорилаб бориш хавфи 2.4 мартта ортишига тенденция мавжуд (78.4% қарши 60.6%;  $\chi^2=2.6$ ;  $P=0.1$ ;  $OR=2.4$ ; 95%CI:0.83-6.73) ни ташкил этди.


СЮЕ ФС IV ли беморлар гуруҳининг 87.9% да плазма гомоцистеини миқдори ортиши кузатилди ва унинг ўртача кўрсаткичи  $24.0 \pm 0.5$  ммоль/л ни ташкил этди. СЮЕ ФС IV ли гипергомоцистеинемия аниқланган беморлар гуруҳида унинг ўртача қиймати СЮЕ ФС II ва III гуруҳларидаги беморларга нисбатан ахамиятли даражада юқорилиги қайд этилди ( $24.0 \pm 0.5$  ммоль/л қарши  $21.4 \pm 0.5$  ммоль/л ва  $22.4 \pm 0.5$  ммоль/л) ( $p > 0.05$ ).

Қондаги гомоцистеин миқдорининг ортиши ўртасида СЮЕ ФС III ва IV ли беморлар гуруҳларида ахамиятсиз фарқларга қарамай, гомоцистеин миқдорининг ортиш эҳтимоли СЮЕ ФС IV мавжуд беморлар гуруҳида 2.0 мартта юқори бўлишига сустр тенденция мавжуд (87.9 қарши 78.4%;  $\chi^2=1.1$ ;  $P=0.3$ ;  $OR=2.0$ ; 95%CI:0.54-7.38).

Шу билан бирга, гипергомоцистеинемия ривожланганда СЮЕ ФС II ли беморларга нисбатан СЮЕ нинг оғир кечиши яъни СЮЕ ФС IV ривожланиш

эхтимоллий хавфи сезиларли равишда 4.7 мартта юқорилиги аниқланди (87.9 қарши 60.6%;  $\chi^2=6.4$ ;  $P=0.01$ ;  $OR=4.7$ ; 95%CI:1.34-16.57).

СЮЕ мавжуд беморларда гомоцистеин ўртача даражаси ва гипергомоцистеинемиянинг учираш сонини юракнинг отиш фракциясига (ОФ) боғлиқлигини ўрганиш натижаларимиз шуни аниқладики, ОФ сақланган (ОФ >50) беморлар гуруҳида гомоцистеиннинг миқдори энг паст кўрсаткичга эга бўлиб ОФ (ОФ 40-49% ва <40%) си пастлаган беморларга қараганда сезиларли равишда паст бўлди ( $18.3 \pm 0.6$  ммоль/л қарши  $21.7 \pm 0.7$  ммоль/л ва  $25.2 \pm 0.7$  ммоль/л) ( $p<0.001$ ).



**2-расм. Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда гипергомоцистеинемиянинг функционал синифга боғлиқ равишда учраш сони.**

Шу билан бирга, 2 (ОФ 40-49%) ва 3-гуруҳ (ОФ <40%) беморлари ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги хам  $p<0.001$  дан паст бўлди ва гомоцистеиннинг миқдори ОФ <40% да паст бўлган беморлар орасида ОФ нисбий пастлаган беморлар гуруҳига нисбатан ахамиятли юқори бўлганлиги кузатилди ( $25.2 \pm 0.7$  ммоль/л қарши  $21.7 \pm 0.7$  ммоль/л).

Гипергомоцистеинемиянинг учираш сони текширилаётган гуруҳлар ўртасида қуйдагича бўлди: ОФ сақланган (ОФ >50) беморларнинг - 65.0%, ОФ 40-49% бўлган гуруҳ орасида- 87.0% ва ОФ <40% дан паст бўлган текширилувчилар орасида- мос равишда 95.0% холатларда аниқланди. Яъни, СЮЕ мавжуд беморларда гипергомоцистеинемия аниқланганда юракнинг отиш фракциясини сезиларли даражада пастлашига олиб келиш хавфи 3.6 ва 10.2 мартта юқори (87.0 қарши 65.0%;  $\chi^2=3.9$ ;  $P=0.05$ ;  $OR=3.6$ ; 95%CI:0.96-13.50 ва 95.0 қарши 65.0%;  $\chi^2=6.8$ ;  $P=0.009$ ;  $OR=10.2$ ; 95%CI:1.28-81.87).

Текширилаётган гуруҳлар ўртасидаги гипергомоцистеинемия мавжуд беморларда гомоцистеин миқдорининг ўртача кўрсаткичи ОФ сақланган (ОФ >50-  $21.2 \pm 0.3$  ммоль/л) гуруҳ беморларида ОФ (ОФ 40-49%-  $22.9 \pm 0.4$  ммоль/л ва <40%-  $24.0 \pm 0.5$  ммоль/л) си пастлаган беморларга қараганда ишончлили даражада паст бўлганлигини кўрсатди ( $p<0.001$ ).

Шундай қилиб, плазма гомоцистеинининг миқдорини референс кўрсаткичларидан ортиши ЮИК мавжуд беморларда СЮЕ нинг ривожланиш

хавфини оширади ҳамда унинг оғир кечишига, яъни ушбу беморларда юракнинг отиш фракцияси сезиларли даражада пасайишига сабаб бўлиши мумкинлигидан далолат беради.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиш хавфи ва клиник кечишида номзод ген полиморфизмларининг прогностик аҳамияти**» деб номланган тўртинчи бобида ЮИК мавжуд беморларда СЮЕ ривожланиши билан боғлиқ муҳим генетик ДНК полиморфизмларининг, апоптик ДНК га боғлиқ оксил TP53 генининг полиморфизми, ўсиш омили VEGF полиморф маркери ва фолат цикли MTHFR Glu429Ala генининг аллеллари ва генотипларининг тарқалиш частоталари ўрганилди ҳамда ушбу беморларда СЮЕ ривожланиши ва клиник кечишида ушбу полиморф маркерларнинг прогностик хусусиятлари таҳлили келтирилган.

Назорат гуруҳи ва беморларнинг ўрганилаётган гуруҳлари намуналари генотипларнинг ассоциатив таҳлили "case-control" дизайни ёрдамида амалга оширилди. Ўрганилган генотип частоталари Харди–Вайнберг мувозанатига мос келадиган бўлса, асосий гуруҳ беморлари ёки соғлом одамлар учун репрезентатив ҳисобланган.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра, текширилаётган асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида MTHFR генининг яна бир Glu429Ala полиморфизми аллель ва генотипларининг учираш частоталаридаги аҳамиятсиз фарқларга қарамай, мутант Ala аллели ва “ёввойи” ва “мутант” аллелларини сақловчи гетерозиготали Glu/Ala гаплотипи аниқланганда ЮИК бор беморларда СЮЕ ривожланишига тенденция мавжуд бўлиб, ушбу беморларда СЮЕ ривожланиш эҳтимоли юқоридаги аллел ва гаплотип аниқланмаган шахсларга нисбатан 1.3 ва 1.4 мартта юқори бўлади (Ala аллели - 28.0% қарши 23.0%;  $\chi^2=1.3$ ;  $p=0.3$ ; OR=1.3; 95%CI:0.50-1.21 ва Glu/Ala гаплотипи - 42.7% қарши 35.2%;  $\chi^2=1.2$ ;  $p=0.3$ ; OR=1.4; 95%CI:0.78-2.40).

СЮЕ, ФС IV мавжуд беморлар гуруҳида СЮЕ ФС, II-III ҳамда шартли-соғлом донорлар гуруҳига нисбатан минор Ala аллель ва нохуш Ala/Ala генотипи улушининг ортиши аниқланди. Бу эса, ўз навбатида, ЮИК мавжуд беморларда MTHFR гени Glu429Ala полиморфизмининг минор Ala аллель ва нохуш Ala/Ala генотипи аниқланганда СЮЕ ривожланиши ва унинг клиник кечиши оғир бўлиш эҳтимолини кўрсатади.

Ушбу таҳлилларнинг натижалари ЮИК ва СЮЕ билан боғлиқ ҳолатларда индивидуал ёндашувларни ишлаб чиқишда генетик тестларнинг аҳамиятини янада тасдиқлайди.

Бундай илмий изланишлар касалликларнинг патогенезини яхшироқ тушунишга ва самарали даволаш усулларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Генотип таҳлили натижаларга кўра VEGFA гени (C-634G) C/C салбий генотипининг мавжудлиги СЮЕ ФС II ли беморлар гуруҳида касаллик хавфини оширувчи омил сифатида намоён бўлди, бунда OR=4.7 га. Яъни, VEGFA гени C-634G полиморфизмининг C/C салбий генотипи тарқалиш сони ушбу беморлар гуруҳида таққослаш гуруҳига нисбатан статистик ишончли ортиши кузатилди ҳамда ушбу нохуш генотип аниқланган ЮИК мавжуд беморларда

СЮЕ ФС II ривожланиш нисбий хавфи C/C салбий генотип кузатилмаган беморларга нисбатан 4.7 мартта юқорилигини кўрсатади ( $\chi^2=4.5$ ;  $P=0.03$ ;  $OR=4.7$  95%CI:1.0-22.16).

СЮЕ ФС IV билан касалланган беморларда гомозиготли норхуш C аллелни учраш ҳолатларининг назорат гуруҳига қараганда 2.4 баравар кўпайиши (38.0% нисбатан 20.0% га;  $\chi^2=8.7$ ;  $P=0.003$ ;  $OR=2.4$ ; 95%CI1.34-4.45) бизга СЮЕ пайдо бўлиш ва ривожланиш хавфининг ортиши билан боғлиқлик мавжудлигини тасдиқлайди. Аксинча, беморлар гуруҳида ёвойи G аллелнинг камайиши эса СЮЕ ривожланишидаги потенциал ҳимоя таъсирини кўрсатади (62.0% нисбатан 80.0%га;  $\chi^2=8.7$ ;  $P=0.003$ ;  $OR=0.4$ ; 95%CI1.0.23-0.85) (3-жадвал).

### 3-жадвал

**Сурункали юрак етишмовчилиги функционал синиф IV ли беморлар ва таққослаш гуруҳлари намуналаридаги қон томир эндотели ўсиш омили гени C-634G полиморфизмининг аллел ва генотипларининг тарқалиш даражасининг қиёсий таҳлили**

Аллел ва генотиплар	Текширилган аллеллар ва генотиплар сони				$\chi^2$	p	OR	95%CI
